Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 19-iyun, payshanba № 75 (3424)

Иқтисодий ҳамкорлик — давлатлар ўртасидаги алоқаларнинг, одамлар тинчлиги ва фаровонлигининг асосий омили.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон — Жанубий Корея:

СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэ 16 июн куни илк давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Ўзбекистон билан Тонг боғларалиги ўлкаси ўртасида катта масофа бўлса-да, халқларимизни яқин қадимий дўстлик ришталари боғлаб туради. Элюртга садоқат, аждодлар мероси ва қадриятларини эъзозлаш, меҳр-оқибат, бағрикенглик, очиққўнгиллик, саховат, каттага ҳурмат, кичикка иззат, меҳнатсеварлик каби фазилатлар ўзбек ва корейс халқлари учун бирдек хосдир. Бир пайтлар тақдир тақозоси билан юртимизга келиб қолган ўн минглаб корейсларга ўзбек халқи меҳр-оқибат ва олийҳимматлик билан бошпана берганини корейс халқи ҳеч қачон унутмайди.

Бугунги кунда изчил мулоқотлар ва муштарак интилишлар туфайли давлатларимиз ўртасида очиқлик, ўзаро ҳурмат ва ишонч, яқин стратегик ҳамкорликка асосланган муносабатлар қарор топган ва бу алоқалар кундан-кунга янгиянги мазмун билан бойиб бормоқда.

Узоқ муддатли ҳамкорлик мобайнида босиб ўтилган самарали йўлга холисона баҳо бериб, шуни айтиш мумкинки, Корея Республикаси Ўзбекистон Республикаси учун иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш бўйича миллий дастурларни амалга оширишда ҳамда жаҳон ҳамжамиятига босқичма-босқич интеграциялашишда мамлакатимизни кенг қўллаб-қувватлаган, вақт синовидан ўтган ва ҳар жиҳатдан ишончли стратегик шерикдир.

Ташрифнинг асосий воқеалари 17 июн куни Кўксарой қароргоҳида бўлиб ўтди. Дастлаб Корея Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Президентлар Ислом Каримов ва Пак Кин Хэ шоҳсупага кўтарилдилар. Икки мамлакатнинг давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Ислом Каримов билан Пак Кин Хэнинг тор доирадаги учрашувида икки томонлама муносабатларга доир масалалар, долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

— Биз Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэнинг мамлакатимизга илк давлат ташрифини Ўзбекистон — Жанубий Корея ҳамкорлиги тарихидаги муҳим сиёсий воқеа, томонларнинг олий даражадаги анъанавий мулоқотларни давом эттиришга, дўстлик ва стратегик ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга қатъий интилиши ифодаси, деб биламиз. Ўзбекистон Корея Республикасига юксак даражада ривожланган, улкан иқтисодий, инновацион ва интеллектуал салоҳиятга эга давлат сифатида қарайди. Тараққиётнинг ҳар томонлама ўйланган, узоқ муддатли стратегияси туфайли Жанубий Корея ҳақли равишда жаҳон иқтисодиёти ва халқаро муносабатларда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда, — деди Ислом Каримов.

Музокарада таъкидланганидек, бу учрашув кўп қиррали муносабатларни янада ривожлантириш жараёнидаги муҳим босқич, ҳамкорликнинг бугунги ҳолатини ҳар томонлама таҳлил қилиш, истиқболдаги устувор йўналишларни белгилаб олиш ҳамда фаол ривожланиб бораётган стратегик шерикликни янги амалий мазмун билан бойитиш учун яхши имкониятдир.

— Буюк Ипак йўли маркази сифатида азалдан ривожланган Ўзбекистон бугунги кунда жадал иқтисодий тараққиёти, қулай сармоявий муҳити билан дунё мамлакатларини ўзига жалб этмоқда. Ўзбекистон Жанубий Кореянинг Марказий Осиёдаги энг йирик ҳамкоридир. Бу ерда илк бор меҳмон бўлиб турган эсам-да, дўстона муносабат, очиқлик ва самимийлик туфайли ўзимни узоқ йиллик дўстларим ҳузурига келгандек ҳис этмоқдаман. Бундай қулай муҳит ва яхши кайфият давлатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик алоқаларининг белгиси ва унинг мунтазам ривожланиб боришининг далолатидир, — деди Пак Кин Хэ.

Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги сиёсий муносабатлар стратегик шериклик анъаналарига мос тарзда ўзаро ишонч, манфаатларни ҳурмат қилиш, халқаро майдонда бир-бирини кенг қўллаб-қувватлаш тамойиллари асосида ривожланмоқда. Глобал ва минтақавий аҳамиятга молик барча долзарб масалалар бўйича томонларнинг нуқтаи назари ва ёндашувлари ўхшаш ва яқиндир.

Мамлакатларимиз БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳамда молиявий институтлар доирасида яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Олий даражадаги учрашувлар мунтазамлик касб этгани стратегик ҳамкорликни изчил ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Президент Ислом Каримовнинг 2012 йил сентябр ойидаги Корея Республикасига давлат ташрифи доирасида умумий қиймати 5 миллиард АҚШ долларига тенг 60 сармоявий лойиҳа имзоланди.

(Давоми 2-саҳифада).

Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэнинг мамлакатимизга давлат ташрифи доирасида 17 июн куни Ўзбекистон ва Жанубий Корея ишбилармонларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, сармоя, банк-молия, ёқилғи-энергетика, авиаташув, автомобилсозлик, қишлоқ ва сув хўжалиги, қурилиш, тоғ-кон саноати, озиқ-овқат, кимё, енгил саноат, тўқимачилик, электрон маҳсулотлар ишлаб чиқариш, транспорт ва транспорт коммуникациялари, логистика, суғурта, экспорт-импорт, алоқа, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, сайёҳлик ва фан-таълим каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

ЎЗБЕКИСТОН — ЖАНУБИЙ КОРЕЯ БИЗНЕС-ФОРУМИ

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини, мазкур бизнес-форум савдо-иқтисодий, сармоявий ва ижтимоий соҳалардаги алоқаларни янги босқичга олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэ мамлакатларимиз ўртасидаги самарали ҳамкорликни юксак қадрлашини, ўзаро алоқаларни янада ривожлантириш тарафдори эканини алоҳида қайд этди.

Жанубий Корея Ўзбекистоннинг узоқ муддатли ва ишончли стратегик шеригидир. Мамлакатларимиз катта иқтисодий салоҳият ва имкониятларга эга. Бу борада икки давлат ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган. Савдо-саноат, сармоя, нефт-газ, кончилик, машинасозлик, тўқимачилик, логистика, кимё саноати, қурилиш, ахборот-коммуникация технологиялари, таълим, соғлиқни сақлаш каби кўплаб соҳалар бўйича ҳамкорликка оид битимлар имзоланган.

Ўзбекистонда Жанубий кореялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этилган 412 корхона фаолият кўрсатмоқда. Корея Республикасининг 81 компанияси мамлакатимизда ўз ваколатхонасини очган. Улар савдо, тўқимачилик ва енгил саноат, тоғ-кон металлургияси, кимё ва озиқ-овқат саноати, машинасозлик, металлни қайта ишлаш, сайёҳлик, соғлиқни сақлаш, транспорт хизмати кўрсатиш каби соҳаларда иш юритади.

Ўзбекистон Жанубий Кореяга озиқ-овқат маҳсулотлари, машина ва ускуналар, минерал ўғитлар, кимё маҳсулотлари экспорт қилади, транспорт, коммуникация ва сайёҳлик хизматлари кўрсатади. Жанубий Кореядан мамлакатимизга транспорт воситалари, механик ва электрон ускуналар, пластмасса ва пластмассадан тайёрланган маҳсулотлар, қора металл импорт қилинади. 2013 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2,1 миллиард АҚШ долларидан ошди.

Мамлакатимизнинг улкан иқтисодий салоҳияти, замонавий транспорт коммуникациялари, юртимиздаги қулай сармоявий муҳит кўплаб давлатлар қатори Корея Республикаси ишбилармон доираларининг ҳамкорликка қизиқишини тобора оширмоқда.

Форумда Жанубий Корея ишбилармонларига мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, соҳага сармоя киритишнинг истиқболлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш омиллари, «Навоий», «Жиззах» ва «Ангрен» индустриал зоналаридаги қулайлик ва имтиёзлар тўғрисида маълумот берилди. Ўзбекистон ва Жанубий Корея ишбилармонлари ҳамкорлигида турли соҳаларда амалга оширилаётган қўшма лойиҳалар ва уларнинг ижроси ҳақида сўз юритилди.

(Давоми 2-саҳифада).

ПРЕЗИДЕНТЛАР САМАРҚАНДГА ТАШРИФ БУЮРДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэ 18 июн куни Самарқанд шаҳрига ташриф буюрдилар.

Олий мартабали меҳмон қадим шаҳарнинг муаззам тарихий обидалари билан танишувни Мирзо Улуғбек расадхонасидан бошлади. Жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аллома Мирзо Улуғбек бунёд этган мазкур иншоот аждодларимиз закоси, юртимиз илм-фанининг чуқур илдизларидан далолат беради. Пак Кин Хэга машҳур олим ва давлат арбоби ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида сўзлаб берилди.

— Расадхонага киришим билан Мирзо Улуғбекнинг қанчалар буюк даҳо ва улкан иқтидор эгаси бўлганини ҳис этдим, — деди Корея Республикаси Президенти.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея раҳбарлари «Афросиёб» музейида бўлдилар. Ундаги экспонатлар халқимиз давлатчилик тарихидан, мамлакатимизда қадимдан ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ ривожланганини, халқаро алоқалар кенг йўлга қўйилганидан ҳикоя қилади. Деворий суратлардан бирида Афросиёб (қадимги Самарқанд) ҳукмдорининг турли мамлакатлар элчиларини қабул қилиш маросими акс этган. Улар орасида Чосон (Корея) элчисининг ҳам борлиги халқларимиз ўртасидаги муносабатлар илдизи бир неча асрларга бориб тақалишидан далолат беради.

«Афросиёб» музейи ҳудудида ташкил этилган «Буюк ипак йўлидан» деб номланган боғ мамлакатларимиз ўртасидаги яқин дўстликнинг яна бир намунасидир. Бу ерда жадал ривожланаётган Ўзбекистон ва Жанубий Корея дўстлиги ва ҳамкорлиги рамзи сифатида ёдгорлик ўрнатилган.

Корея Республикаси Президенти Регистон мажмуини диққат ва ҳаяжон билан томоша қилди. Президент Ислом Каримов раҳнамолигида буюк аждодларимиз бой меросини чуқур ўрганиш, тарихий обидаларни асраб-авайлаш борасида амалга оширилаётган бетимсол ишларга юксак баҳо берди.

Пак Кин Хэ Регистон мажмуида миллий ҳунармандлик буюмлари кўргазмасини кўздан кечирди, Самарқанд гиламларининг тўқилиш жараёни билан қизиқди.

Жанубий Корея раҳбари Амир Темур мақбарасини зиёрат қилиб, Сохибқироннинг сўнмас хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Олий мартабали меҳмон қадим маданиятимиз ва миллий давлатчилигимиз тарихининг тимсоли, меъморлик санъатимизнинг юксак намунаси бўлган Самарқанд шаҳридаги бетакрор обидалар ўзида унутилмас таассурот қолдирганини алоҳида таъкидлади.

Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэнинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи самарали бўлди. Ташриф асосида давлатлараро, вазирлик ва идоралар даражасида қатор манфаатли келишувларга эришилди. Имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада юқори босқичга кўтаришга хизмат қилиши қайд этилди.

Шу билан Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэнинг Ўзбекистон Республикасига илк давлат ташрифи якунига етди. Жанубий Корея раҳбари Ўзбекистонга ташрифи жуда самарали ва фойдали бўлганини таъкидлаб, самимий қабул учун Президент Ислом Каримовга чуқур миннатдорлик билдирди.

Ирода УМАРОВА,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎзА махсус мухбирлари

ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Тошкентда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида Ўзбекистон — Жанубий Корея ҳамкорлигига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон ва Жанубий Кореянинг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги етакчи ташкилот ва компаниялари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раиси Хуршид Мирзоҳидов ва Корея Республикаси Ахборот жамияти миллий агентлиги президенти Чанг Кванг Су Президент Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаётининг турли соҳаларини ахборотлаштириш жараёнида ривожланган давлатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш, улар билан ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида самарали ҳамкорлик қилишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Юқори технологиялар соҳасидаги етакчи давлатлардан бири бўлган Корея Республикаси ахборот-коммуникация тизимини ривожлантиришда Ўзбекистоннинг ишончли ҳамкорига айланган.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги ҳамкорлик мамлакатларимизнинг ушбу йўналишда фаолият кўрсатаётган идоралари томонидан имзоланган қатор битимлар асосида амалга оширилмоқда. Халқаро конференция юқори технологиялар соҳасидаги икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболларини белгилашда муҳим аҳамият касб этди.

(Давоми 2-саҳифада).

«Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур» республика танловига

Бир тасаввур қилинг: Заминимиз она бағрида ором олаётган, ота қўлларида қуёшга интилаётган, ўз тилида қушлар билан сўзлашаётган гўдакларсиз нақадар ғариб бўлиб қоларди.

СЕНГА ЖАЖЖИ БОШИМ ЭГАМАН, ВАТАН!

Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов томонидан 2014 йилнинг «Соғлом бола йили» деб эълон қилингани, унга оид давлат дастури қабул қилингани кенг жамоатчилик томонидан келажагимиз ворисларига қаратилаётган юксак эътиборнинг яна бир олий намунаси сифатида эътироф этилди.

А.Хлебушкина номли 22-сонли «Меҳрибонлик» уйида бизни ўз яқинидек меҳр билан кутиб олишди. Ушбу даргоҳнинг «Жаннати аёл», «Меҳрибон она», «Аёл афсона» каби ажойиб сифатларга эга бўлган инсон номи билан аталиши тасодиф эмас. Ўша оғир, даҳшатли уруш йилларида ташкил этилган маскан ўтган давр мобайнида қанчадан-қанча гўдакларга, болаларга меҳр улашиб, ҳаётда ўрнини топишига кўмаклашди.

Касаба уюшма ташкилоти етакчиси Ҳафиза Рапикованинг айтишича, «тарбиячилар учун энг катта ютуқ болаларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиб, бахтли бўлишидир». Бунинг учун бу ерда навниҳол ўғил-қизларнинг ҳар томонлама баркамол ўсиши учун барча шароит мавжуд.

(Давоми 2-саҳифада).

Ёз — ўтмоқда соз!

Мана, болажонларни соғломлаштириш мавсумининг илк босқичи ҳам якунланай деб қолди. Хўш, ўғил-қизлар ёзги таътилни қандай ўтказаётир? Айни пайтда улар нималар билан машғул бўлишмоқда? Шу каби саволларга жавоб олиш учун Чилонзор тумани 182-мактаб қошидаги инглиз тилига ихтисослаштирилган «Юлдузча» ёзги соғломлаштириш оромгоҳи томон йўл олдик. Бизни оромгоҳ раҳбари Элнора Афзалова кутиб олиб, амалга оширилган ишлар билан яқиндан таништирди:

ЭРТАКЛАР ОЛАМИ

— Жорий йилги мавсумда оромгоҳимиз 4 навбатда болаларни қабул қилади. Ҳозир бу ерда туманимиздаги бир неча мактаб ўқувчиларидан ташкил топган олтита гуруҳда 125 нафар ўғил-қиз маза қилиб ҳордиқ чиқараётир. Уч маҳал иссиқ овқат берилади. Барча шароитлар муҳайё бўлиб, муҳими, улар ўзларини табиат қўйнида юргандек ҳис этишади. Шу кунларда иккинчи навбатга тайёргарлик ишларини бошлаб юборганмиз.

Ичкари кирарканмиз, мавсумнинг кўнгилли ўтаётганидан дарак берувчи, ўйин-кулгига берилган, беғубор онлар суруридан осмонларда учиб юрган болалар акс этган турли стендларга кўзимиз тушади.

— Ўзимизнинг ходимларимиз ижодидан, — дея фахрланиб қўяди Элнора опа.

Болажонлар учун тайёрланган ётоқхона, инглиз тили ва бошқа фан хоналарини кўздан кечирамиз. Барчаси шинам ва озода. Залларга турфа ўйинчоқлар осилган. Бир сўз билан айтганда, бу ерда ўзингизни бир зум бўлсада эртаклар оламига тушиб қолгандек ҳис этасиз.

Юз-кўзида кулги жилваланган болажонларни суҳбатга тортамиз.

— Исмим Шоҳжаҳон. Бу йил учинчи синфни тугатдим, — дея ўзини таништиради улардан бири. — Ушбу оромгоҳ менга жуда ёқди. Турли тўгараклар, расм чизиш, спорт мусобақалари, ўйин-кулги билан вақтнинг ўтганини сезмай ҳам қоламиз. Айниқса, куни кеча бўлиб ўтган «Қувноқ стартлар» мусобақаси жуда қизиқарли ташкил этилди. Унда турли эстафета ўйинлари ўтказилиб, бизнинг гуруҳимиз биринчи ўринни қўлга киритди.

— Турли мактаблардан келган тенгқурларимиздан дўстлар орттирдик. Инглиз тили, мусаввирлик каби тўгараклар, шахмат, шашка, стол тенниси, бадминтон каби спорт мусобақаларида фаол қатнашаяпмиз, — дейди «Қуёшча» гуруҳидан Диёра Ярашева. — Айниқса, Ғафур Ғулом номли маданият ва истироҳат боғига қилган саёҳатимиз унутилмас таассуротларга бой бўлди. У ерда турли аттракционларда учиб, мириқиб ўйнадик.

Ким билан суҳбатлашмайлик, яратилган шароитларни қувонч билан тилга олади. Ёзги таътилнинг мароқли ўтаётганидан сўзлайди. Шундай ишларни амалга оширганларга ташаккур айтиб, ортга қайтдик...

Салим АБДУРАҲМОНОВ,
«Ishonch» мухбири.
Икром ҲАСАНОВ
олган суратлар

Шахмат

АКА-УКА — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!

Грециянинг Кавала шаҳрида мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган рапид — тезкор шахмат бўйича жаҳон чемпионатида ўзбекистонлик ака-ука Исломбек ва Жавоҳир Синдоров зафар қучди.

Мусобақанинг етти ёшгача бўлган шахматчилар баҳсида иштирок этган Исломбек Синдоров тўққизта турнинг барчасида ғалаба қозонди. У россиялик Алексей Фадеев, грециялик Георгиос Хатзигавриил, болгариялик Константин Георгиев ва Светлен Иванов, франциялик Ражат Маккар, озарбайжонлик Али Зуқанов, Фикрат Мустафозода ва Айҳан Жабборли ҳамда англиялик Дҳрув Радҳакришнанни мағлубиятга учратиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Тўққиз ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида ўз иқтидорини намойиш этган Жавоҳир Синдоров ҳам турнирни мағлубиятсиз якунлади. У грециялик Маркоз Казакос, россиялик Артем Борисов, Лев Левкин, Михаил Друченко, Георгий Вдовин ва Владимир Анчиков ҳамда озарбайжонлик Самад Аслановни енгиб, яна бир озарбайжонлик шахматчи Мартин Саломов ва ҳиндистонлик Лоҳия Сиддҳант билан дуранг ўйнади. Тўққиз имкониятдан 8 очко жамғарган Жавоҳир Синдоровга ҳам жаҳон чемпионатининг олтин медали насиб этди.

Адҳам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири

Ishonch
2014-yil 19-iyun № 75 (3424)

Ўзбекистон — Жанубий Корея:

СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Парламентлараро алоқалар ривожланмоқда, ҳукумат делегациялари мақомидаги ташрифлар изчил кенгаймоқда. Ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасидаги сиёсий маслаҳатлашувлар мунтазамлик касб этган. Жорий йил апрел ойида Сеулда маслаҳатлашувларнинг 10-давраси бўлиб ўтди.

Музокарада сиёсий мулоқотларни изчил давом эттириш, эришилган келишувларни ҳаётга татбиқ этишни мониторинг қилиб бориш, ахборот технологиялари, қуёш энергетикаси, қишлоқ хўжалиги, таълим каби соҳаларда ҳамкорликни янада кенгайтиришга келишиб олинди. Томонлар бундан буён ҳам халқаро ташкилотлар ва минтақавий тузилмалар, жумладан, «Корея Республикаси — Марказий Осиё» ҳамкорлик форуми доирасида бир-бирини қўллаб-қувватлайди. Хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, тероризм, диний экстремизм, уюшган трансмиллий жиноятчилик ва наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашишда изчил ҳамкорлик қилади.

Президентлар мулоқоти икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом этди. Томонлар савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтиришга оид масалаларни муҳокама қилдилар.

Савдо-сотиқ соҳасида мамлакатларимиз ўртасида 1992 йилдан буён энг кўп қулайлик яратиш тартиби амал қилади. 2013 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2,1 миллиард доллардан ошди. Жорий йилнинг январ-апрел ойларида бу борадаги кўрсаткич 669,3 миллион долларга етди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўмита мунтазам мажлислар ўтказиб келмоқда. Ўтган ойда унинг навбатдаги мажлисига Тошкент мезбонлик қилди. Шунингдек, молия вазирларининг, энергетика ва табиий ресурслар бўйича идоралараро қўмитанинг йиғилишлари ўтказилмоқда. 2012 йилдан Ахборотлаштириш бўйича кенгаш фаолият олиб бормоқда.

«Корея Республикаси — Марказий Осиё» ҳамкорлик форуми доирасида савдо-иқтисодий, сармоявий, транспорт, маданий-гуманитар соҳаларда минтақавий ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинмоқда.

Корея Республикасининг мамлакатимиз иқтисодиётига киритган сармояси ҳажми 5 миллиард доллардан ошади. Ўзбекистонда жанубий кореялик сармоядорлар билан ҳамкорликда ташкил этилган 412 корхона, ушбу мамлакатдаги 81 компаниянинг ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея муваффақиятли иқтисодий ҳамкорлик борасида катта тажриба тўплаган. Сурғил кони негизида барпо этилаётган Устюрт газ-кимё мажмуаси қўлами жиҳатидан ғоят йирик лойиҳа сифатида халқаро миқёсда эътироф этилди. Корея газ корпорацияси, «Лотте групп» ва «Эс-Ти-Икс Энержи» компаниялари консорциуми иштирокида қурилаётган бу мажмуа келгусида 4,5 миллиард куб метр газни қайта ишлаш ва бунинг натижасида 3,7 миллиард куб метр газ, 387 минг тонна полиэтилен, 83 минг тонна полипропилен, 102 минг тонна пиролиз бензини ва бошқа қимматбаҳо маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради. Жанубий Корея компаниялари мамлакатимизнинг турли минтақаларида истиқболли углеводород конларини аниқлаш, геология-разведка ишларини амалга ошириш, ўзлаштириш борасида фаолият кўрсатмоқда.

Тоғ-кон саноати соҳасида «Шиндонг Рисорсез» компанияси билан вольфрам кони ўзлаштирилаётганини, «Неоплант» компанияси билан ҳамкорликда техник кремний ишлаб чиқарувчи завод ишга туширилганини таъкидлаш жоиз.

Автомобилсозлик — Жанубий кореялик шериклар билан биргаликда Ўзбекистонда ўзлаштирилган юқори технологияли энг машҳур ишлаб чиқариш соҳаси. Айни пайтда Андижон ва Хоразм вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида автомобилсозлик корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистонда саноатнинг бу соҳасига Жанубий Кореянинг 20 компанияси жалб қилинган, 18 қўшма корхона тузилган.

Тўқимачилик ҳам ҳамкорликнинг устувор соҳаларидан биридир. Бу йўналишда Ўзбекистонда кореялик шериклар билан биргаликда умумий қиймати 212 миллион долларга тенг 10 қўшма лойиҳа амалга оширилди. Хусусан, «ДЭУ Интернэшнл» компанияси билан Фарғона ва Бухоро вилоятларида, «Шиндонг Энерком» ва «Текстайл Текноложиз» компаниялари билан Сурхондарё вилоятида тўқимачилик корхоналари ишга туширилди. Айни пайтда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти негизида Тўқимачилик технологияларининг инновацион марказини очиш лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

Корея Республикаси билан ҳамкорликда юртимизда «электрон ҳукумат» тизими жорий этилмоқда. Тошкент ахборот технологиялари университетида Ахборот технологиялари маркази ва Ахборот олиш маркази очилган. Жорий йил март ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан пойтахтимизда Жанубий Кореядаги етакчи олий ўқув юртларидан бири — Инха университетининг филиали ташкил этилди.

«Кореан Эйр» компанияси билан ҳамкорликда «Навоий» интермодал логистика маркази фаол ривожлантирилмоқда. Бугунги кунда марказ бир кеча-кундузда 1000 тоннагача юкни қайта ишлаш, юк терминалида 300 тонна юкни қайта ишлаш ва сақлаш, йигирмата самолётга хизмат кўрсатиш қувватига эга. Айни пайтда ушбу авиахабдан Сеул, Милан, Брюссел, Вена, Париж, Деҳли, Мумбай, Истанбул, Ханой каби шаҳарларга ҳафтада 29 парвоз амалга оширилмоқда.

Жанубий Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (КОИКА) ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва ҳамкорлик жамғармаси билан биргаликда молиявий-техник ҳамкорлик ривожлантирилмоқда. Беғараз асосда асбоб-ускуна тақдим этиш, кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш, кореялик мутахассисларни Ўзбекистонга йўналтириш КОИКА билан ҳамкорликнинг асосий йўналишларидир. Бу борада соғлиқни сақлаш, таълим, ахборот технологиялари, коммунал хўжалик, қишлоқ ва сув хўжалиги, энергетика каби соҳаларда умумий қиймати 54,5 миллион доллардан зиёд 21 лойиҳа амалга оширилди. Яна тўрт лойиҳанинг ижроси давом этмоқда. Иқтисодий тараққиёт ва ҳамкорлик жамғармаси билан ҳамкорликда қиймати 114,1 миллион долларга тенг тўрт сармоявий лойиҳа амалга оширилди.

Музокарада товар айирбошлаш ҳажмини ошириш ва номенклатурасини диверсификация қилиш, икки мамлакатнинг етакчи компания ва корхоналари иштирокида мунтазам равишда бизнес-форумлар ўтказиш, шунингдек, юқори технологияли ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш борасида янги қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга келишиб олинди.

Бугунги кунда Ўзбекистон-Жанубий Корея муносабатлари давлатлараро ва ҳукуматлараро даражада, иқтисодий ва тижорий тузилмалар, фирма ва компаниялар ҳамкорлиги нуқтаи назаридан, жумладан, гуманитар соҳада ҳам том маънода етуклик, ҳар томонлама пухталик касб этиб, ўзаро манфаатдорлик асосида ривожланмоқда ва мамлакатларимиз халқлари манфаатларига хизмат қилмоқда.

1992 йилдан буён Тошкентда Корейс таълим маркази фаолият кўрсатмоқда. Қатор олий ўқув юртларида корейс тили ва маданияти марказлари очилган. 13 олий таълим ҳамда 28 мактаб ва лицейда корейс тили ўрганилади. Умуман, Ўзбекистон университетлари Жанубий Кореядаги ўттиздан зиёд олий ўқув юрти ва илмий-ишлаб чиқариш ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

2012 йил март ойида Наврўз байрами ва мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 20 йиллиги муносабати билан Сеулда ўзбек эстрада артистларининг концерти ташкил қилинди. 2013 йилда юртимизда «KBS» миллий телерадиокомпанияси томонидан корейс қўшиқлари танлови ўтказилиб, унинг финалига чиққан «Алладин» гуруҳи кейинчалик 15 мамлакат вакиллари иштирокида Жанубий Кореяда ўтказилган «Korean POP World Festival — 2013» фестивалида Гран-при соҳиби бўлди. 2014 йилнинг муҳим воқеалари — Ўзбекистон ёшлар театри Болалар ва ёшлар театрлари уюшмасининг «Осиё учрашувлари — 2014» халқаро фестивалида «Шум бола» спектакли билан қатнашди, Тошкентда Сеул боғи ташкил қилинди. Ўзбек ва корейс халқлари учун қадрли бўлган бу боғ Ўзбекистон пойтахтининг энг сўлим гўшаларидан бирида кўҳна Корея маданияти ёғду таратадиган гўзал маскан вазифасини ўтамоқда.

Томонлар шуларни қайд этиб, маданият, мусиқа, санъат ва спорт соҳаларида алоқаларни янада фаоллаштириш, қўшма маданий фестиваллар, кўргазмалар ташкил этиш, ўқув юртлари ўртасидаги бевосита алоқаларни кенгайтиришга келишиб олдилар. Ўзбекистонда Корейс маданияти ва санъати марказини очиш масаласи кўриб чиқилди.

Музокаралар якунида Президент Ислом Каримов ва Президент Пак Кин Хэ Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида Стратегик шерикликни янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги қўшма декларацияни имзоладилар. Шунингдек, 2014-2017 йилларга мўлжалланган Иқтисодий тараққиёт ва ҳамкорлик жамғармаси кредитлари тўғрисидаги ҳукуматлараро ҳадли келишув, Икки томонлама инвестициявий ҳамкорлик тўғрисида ўзаро англашув меморандуми, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва Корея Республикаси Экспорт-импорт банки ўртасида молиявий битим ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ислом Каримов ва Пак Кин Хэ музокаралар самаралари, ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида ўтганини, эришилган келишувлар Ўзбекистон-Жанубий Корея муносабатларини янада ривожлантириш ва самарадорлигини тубдан оширишга, икки мамлакат халқларининг фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилишини таъкидладилар.

Куннинг иккинчи ярмида Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэ Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Мустақиллик майдонига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан бу ерда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари туфайли Ўзбекистоннинг бош майдони нафақат халқимиз фахру ғурурига хос замонавий қиёфа касб этди, айни пайтда унинг юртимиз ҳаётидаги аҳамияти ҳам юксалди.

Корея Республикаси Президенти халқимизга ҳурмат-эҳтиромини изҳор этиб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз, эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Пак Кин Хэ бу майдон муҳташам бинолари, кўркам боғлари, гўзал фавворалари билан яхлит ансамбл ҳосил қилганини таъкидлади. Бу ерда яратилган меъморий асарлар табиатнинг гўзал инъомлари билан моҳирона уйғунлаштирилгани ўзида катта таассурот қолдирганини алоҳида қайд этди.

Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэнинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи давом этмоқда.

Анвар БОБОЕВ,
Анвар САМАДОВ,
ЎзА мухбирлари

ЎЗБЕКИСТОН — ЖАНУБИЙ КОРЕЯ БИЗНЕС-ФОРУМИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

— Ўзбекистон табиий ресурсларга бой, улкан иқтисодий ва интеллектуал салоҳиятга эга мамлакат, — деди Корея Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси Парк Йонгмаан. — Жанубий Корея Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор билан қарайди. Мамлакатингиздаги қулай сармоявий муҳит ва юксак иқтисодий имкониятлар Ўзбекистон-Жанубий Корея савдо-иқтисодий алоқаларининг равнақ топишида муҳим омил бўлмоқда. Ўзаро ҳамкорлигимизни янада кенгайтириш тарафдоримиз.

Бизнес-форумда савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни, энергетика, ахборот-коммуникация технологиялари, сайёҳлик, озиқ-овқат, енгил саноат, тўқимачилик ва фан-таълим соҳаларидаги алоқаларни янада ривожлантиришга оид масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини оширишдаги ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Анжуманда Жанубий Кореянинг йирик компанияларидан уч юзга яқин вакил иштирок этгани ушбу мамлакатнинг Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга қизиқиши нақадар катта эканидан далолатдир. «Hanjin Group», «Hyundai Motor», «Lotte Chemical», «Hanwha Group», «Daedong Industrial», «Baum Architects», "Bell Metal», «LSC Food», «Simpac», «Nara», «Shindong» каби компаниялар вакиллари Ўзбекистон бозоридаги ўз фаолиятини йўлга қўйиш ва мавжуд ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ниятида эканини қайд этди.

Шу куни Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Жанубий Корея ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперацион биржа ўтказилди.

Бизнес-форум ва кооперацион биржа доирасида энергетика, тўқимачилик ва енгил саноат, ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотлар, таълим каби кўплаб соҳалардаги ҳамкорликка оид умумий қиймати 2,4 миллиард доллардан зиёд қатор ҳужжатлар имзоланди.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎзА мухбири

ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Халқаро конференция доирасида Ўзбекистон ва Корея Республикасининг ахборот-коммуникация соҳасидаги тажрибаси ҳақида тақдимот маросимлари ўтказилди. Иштирокчиларга мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш стратегияси ва Жанубий Корея иқтисодиётининг турли соҳаларига юқори технологияларни жорий этиш хусусида атрофлича маълумот берилди. Жанубий кореялик мутахассисларнинг қишлоқ хўжалигига «Ақлли фермалар»ни жорий этишнинг амалий натижалари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари электрон савдосининг истиқболлари тўғрисидаги маърузалари тингланди. Миллий маҳсулотларимизни юқори технологиялар ёрдамида таклиф этиш ҳамда ушбу соҳада Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорлик йўналишларига оид тақдимотлар ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Тадбир якунида икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисидаги қатор ҳужжатлар, жумладан, «UNICON.UZ» илмий-техник ва маркетинг тадқиқотлари маркази ва Корея Республикаси электроника ва телекоммуникация тадқиқот институти, Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази ҳамда Корея интернет ва хавфсизлик агентлиги ҳамкорлик тўғрисида, Тошкент ахборот технологиялари университети, «UZINFOCOM» маркази ва Корея Республикаси Ахборот жамияти миллий агентлиги, Сеул миллий университети ва Корея илм-фан ва технологиялар етакчи институти, Тошкент тиббиёт академияси ва Корея шарқ тиббиёти институти ўртасида ўзаро англашув меморандумлари имзоланди.

Бобур ОБИДОВ,
ЎзА мухбири

Тошкент шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмасининг (ШҲТ МАТТ) Ижроия қўмитаси ташкил топганининг ўн йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

МИНТАҚАВИЙ АКСИЛТЕРРОР ТУЗИЛМАСИ ФАОЛИЯТИНИНГ ЎН ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНДИ

Унда ШҲТ Бош котиби Дмитрий Мезенцев, МАТТ Ижроия қўмитаси директори Чжан Синьфэн, МАТТ Кенгаши аъзолари, ШҲТга аъзо давлатлар, кузатувчи мамлакатлар ва ташкилотнинг мулоқот бўйича шериклари, шунингдек, МАТТ ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган халқаро тузилмалар вакиллари иштирок этди.

ШҲТга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг қарорига мувофиқ 2004 йилнинг 17 июнида Тошкентда ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитасининг расмий очилиши бўлди.

Минтақавий аксилтеррор тузилмасининг фаолияти терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашда ШҲТга аъзо мамлакатлар ваколатли органларига кўмаклашиш, уларнинг ҳамкорлигини мувофиқлаштиришга қаратилган.

Ўтган ўн йил давомида МАТТ томонидан ШҲТга аъзо мамлакатларнинг янги хавф ва таҳдидларга қарши курашда ўзаро ҳамкорликнинг кўп томонлама ва икки томонлама механизмларини ўз ичига олган умумий ёндашувларини ишлаб чиқиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашда мустаҳкам халқаро-ҳуқуқий база шакллантирилди, бошқа халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Тадбир иштирокчилари минтақавий хавфсизлик масалалари Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг доимий диққат-марказида эканини таъкидлади. Минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда ШҲТнинг ваколатли органлари фаолиятини мувофиқлаштириш борасида МАТТ Ижроия қўмитаси самарали иш юритаётгани қайд этилди.

ЎзА

Энг фаол...

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ёш мутахассисларни қўллаб-қувватлашга бўлган эътибор йилдан-йилга ошиб бораётир. Жорий йилда турли соҳаларда меҳнат қилаётган ёш мутахассислар ўртасида танлов ўтказилиши ўтган йилги «Ёш мутахассислар Республика форуми»нинг узвий давоми бўлди. Танлов жойларда юқори савияда, кўтаринкилик билан ўтди.

ИҚТИДОРЛАРГА ЭЪТИБОР

Хусусан, Самарқанд шаҳар «Сувоқава» ишлаб чиқариш давлат корхонаси маъмурияти ва бошланғич касаба уюшма ташкилоти томонидан «Энг фаол ёш коммунал соҳа мутахассиси» кўрик-танлови намунали тарзда ташкил этилди. Корхона ишчи-ходимларининг қарийб тўқсон фоизини ёшлар ташкил этади. Бу ерда ўз касбининг усталари оз эмас.

Кўрик-танлов ғолиби — «Мулъён» сув тарқатиш бўлими бошлиғи вазифасида ишлаб келаётган Иброҳим Шерматов ишга масъулият билан ёндашиши, изланувчанлиги билан ажралиб туради. Соҳа ёшлари орасида етарли обрў-эътиборга эга. Шу боис унга масъулиятли вазифа топшириб қўйилган.

***

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш тармоғи ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд шаҳар кенгашининг «Йилнинг энг фаол ёш ҳунарманди» ҳамда «Йилнинг энг фаол ёш тадбиркори» кўрик-танловлари ҳам ёшларнинг фаол иштирокида ўтди.

Шаҳарнинг Рухобод мажмуасида юздан ортиқ тадбиркор ва ҳунармандлар томонидан тайёрланган маҳсулотлар, ижодий ишлар кўргазмаси ташкил этилди.

Ёш наққош Равшан Турдалиев танловнинг Самарқанд шаҳар босқичида «Йилнинг энг фаол ёш ҳунарманди» деб топилди. Комила Ғаниева, Дилнура Нуриллаевага кейинги ўринлар насиб этди.

Нафақат ишлаб чиқариш, балки тайёр маҳсулотлар савдосини ҳам ташкил эта билган Бобур Тоиров «Йилнинг энг яхши ёш тадбиркори» эканлигини амалда исботлади.

Дилбар МУСТАФОҚУЛОВА,
Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд шаҳар кенгаши раиси

СЕНГА ЖАЖЖИ БОШИМ ЭГАМАН, ВАТАН!

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Болалар учун бўш вақт тушунчасининг ўзи йўқ. Улар мунтазам равишда спорт билан шуғулланишади. Шинам компютер хоналарида зарурий машғулотлар олиб бориб, билимларини мустаҳкамлайди. Тарбияланувчилар жами 109 нафар бўлиб, чин етимлар 20 нафар, ижтимоий етимлар 49 нафар, кам таъминланган оила фарзандлари 36 нафар, ота-онаси ногирон болалар 4 нафарни ташкил этади.

— Ушбу даргоҳда фаолият юритаётганимга 10 йилдан ошди, — дейди ҳамшира Зилола Ўролбоева. — Тарбияланувчилар ўз боламиздек бўлиб қолган. Уларнинг соғлиғи, шахсий гигиенаси, ўз вақтида овқатланишига тўла жавобгармиз. Жорий йил ҳисобидан тарбияланувчилар 3 марта тиббий кўрикдан ўтказилди. Болалар соғлом ва дуркун ўсмоқда. Биз учун энг ёқимлиси — тарбияланувчиларимиз бизни «ойижон» деб чақиради. Эркак мураббийларга эса «отажон» дея мурожаат қилишади.

Тарбияланувчилар билан суҳбат асносида 14 та тўғарак фаолияти ҳақида ҳам тасаввурга эга бўлдим. Болаларнинг ижодкор қўллари ясаган нафис ҳайкалчалар кишини лол қолдиради. Қизчалар тиккан каштаҳлар, мунчоқли кўйлаклар кўзни қувнатади. Ёш дизайнерлар билан суҳбатлашдик. Тарбияланувчилар ўзлари пиширган пазандалик маҳсулотларидан татиб кўришга таклиф қилишди. Кўз олдимизда келгусида рўзғорни бемалол бошқариб кета оладиган бахтиёр уй бекаларни гавдаланди. Рақсга тушаётган болажонларнинг гўзал ҳаракатларида, юз ифодаларида олам-олам орзуларни кўриш мумкин. Заргарлик, тўқувчилик каби ҳунарларни муваффақият билан ўрганаётган бу ёшларнинг кўнгли ҳар томонлама ўксинмай ўсиши учун ҳукуматимиз томонидан барча имкониятлар яратиб берилганлиги кишини беҳад қувонтиради. Беихтиёр, «угра оши» тайёрлаётган, юзларига оппоқ ун тегиб кетган Саодат Аббосова эътиборимизни тортди. 15 ёшлардаги қизалоқнинг катта-катта мовий кўзлари сизга чексиз меҳр билан боқади. У шеър машқ қилиб турарекан:

Ватан, сенга тилим ожиз
сўзлашга ҳам,
Диёрларинг гўзал гулдек
бунча кўркам,
Қадрлисан она каби,
кўрмасдан ғам,
Сенга жажжи бошим эгай,
жоним ватан!

Саодат ватан ҳақидаги шеърини ҳаяжон билан ўқиб бергач, она ҳақида ҳам ўқиб берсам майлими, деди. Биз тарбиячи Аваз ака билан бир нафас сукутга чўмдик.

Лабларингиз гулғунчадек
майин сабо,
Аллалардан эшитилар
мўъжаз наво.
Қалбларида бор шуъладек
бир қаҳрабо,
Онажоним, сизни қаттиқ
соғингайман.

— Ёз мавсумида тарбияланувчилар турли оромгоҳларда, жумладан, «Меҳрибонлик» оромгоҳида ҳар йили 3 босқичда ҳордиқ чиқарадилар. Бу ерда улар турли тўгараклларда, танлов ва спорт мусобақаларида фаол қатнашадилар, — дейди тарбиячи Верешагина Нина Ивановна.

Ўтган йили ушбу оромгоҳда ўтказилган шахмат-шашка, стол тенниси, волейбол, футбол, югуриш, армресслинг, сузиш, қувноқ стартлар мусобақаларида қатор тарбияланувчилар совринли ўринларни эгаллашди. Бундан ташқари, «Сен ёлғиз эмассан» республика жамоатчилик жамғармаси томонидан ўтказилган бир қанча танловларда аълочи, жамоатчи, ижодкор болаларимиз фаол қатнашиб, қанчалар салоҳият эгалари эканликларини тасдиқдан ўтказишди. Бундан биз тарбиячиларнинг қалби беҳад ғурурга тўлди.

Шунингдек, тарбияланувчиларимиз учун А.Хлебушкина номидаги стипендия жорий этилган. Ушбу стипендия ҳар томонлама муносиб номзодга берилади.

А.Хлебушкина номли 22-сонли «Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчилари орасидан мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўшган кўплаб машҳур инсонлар етишиб чиққан.

«Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчилари билан хайрлашар эканмиз, уларнинг юз-кўзида акс этган болаликнинг гўзал ифодаси юрагимизга кўчди. «Бахт сизларни асло тарк этмасин, юртимизнинг муносиб фарзандлари бўлинглар».

Нозима УМАРОВА,
«Ishonch» мухбири.
И. ҲАСАНОВ
олган суратлар

Матбуот анжумани

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ)нинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари ҳамкорлигида матбуот анжумани ташкил этилди.

Келажагимиз ворислари соғ-омон бўлсин!

Унда Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари, Республика Бош давлат санитария врачи С.Саидалиев, ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Р.Фудерич ва бошқалар инсон манфаатларини муҳофазалаш, соғлом ва узоқ умр кечириш учун қулай шароит яратиш, оилада соғлом фарзанд туғилиши ва камолга етишини таъминлаш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида сўз юритишди.



Маълумки, юртимизда санитария-эпидемиология ҳолатини барқарор сақлаш ва юқумли касалликларга қарши курашнинг замонавий тизими яратилган. Миллий эмлаш тақвимига мувофиқ ўн саккиз ёшгача бўлган болалар ўнта касалликка қарши эмланмоқда. Бундай кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида болалар саломатлигига жиддий хавф туғдирувчи кўплаб касалликларнинг олди олиниб, эпидемиологик барқарорликни таъминлашга эришилаётир. Эътиборлиси, миллий эмлаш тақвимига киритилган иммунопрофилактика тадбирларига кетадиган маблағлар давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилмоқда.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурига кўра, бу борадаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда. Хусусан, янги ротавирус вакцинаси жорий этилиб, эмлаш ишлари бошлаб юборилди.

Вазирликнинг санитария-эпидемиология бошқармасидан маълум қилишларича, янги вакцинани амалиётга жорий этишга жиддий тайёргарлик кўрилди. Саккиз мингдан зиёд ўрта тиббиёт ходимлари эмлаш ишларини амалга ошириш бўйича махсус тайёргарликдан ўтказилди. Қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларда фаолият юритаётган умумий амалиёт врачлари ва патронаж ҳамширалар иштирокида махсус ўқув-услубий машғулотлар ўтказилди. Жойлардаги қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникалар базасида 3800 та эмлаш пунктлари ташкил этилди. 2014 йилнинг ўзида қарийб уч юз саксон минг болани ротавирус инфекциясига қарши эмлаш билан қамраб олиш режалаштирилган.

— Ротавирус инфекцияси асосан маиший жиҳозлар, уй-рўзғор буюмлари, озиқ-овқат маҳсулотлари орқали юқади, — дейди вазирлик санитария-эпидемиология назорати бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Дилором Турсунова. — Касаллик вируси кўп ҳолларда ошқозон-ичак йўлида тарқалади ҳамда овқат ҳазм қилиш ферментларини ишдан чиқаради. Оқибатда тана ҳарорати кўтарилиб, кўнгил айнийди, ич кетиши кузатилади. Бу жараён болаларда анча оғир кечиши, организмнинг бир кеча-кундузда бир литрдан кўпроқ суюқлик йўқотишига олиб келиши мумкин. Болаларни ўз вақтида эмлаш орқали бундай муаммоларнинг олдини олишга эришиш мумкин.

Жаҳон тиббиёти амалиётида кенг қўлланилаётган энг самарали эмлаш воситалари мамлакатимизга олиб келиниб, тегишли тартибда тиббий-лаборатория синовларидан ўтказилди. Вазирлик томонидан мувофиқлик сертификати билан кафолатланди ва жойлардаги эмлаш пунктларига етказилди. Шунингдек, аҳолининг хабардорлик даражасини ошириш мақсадида хонадонларда, маҳаллаларда тушунтириш ишлари амалга оширилди.

Ушбу инфекция, айниқса, ёш болалар ўртасида кўпроқ қайд этилиши ва саломатлигига жиддий таҳдид туғдириши билан хатарлидир. Шу боис жаҳон миқёсида ушбу муаммога қарши курашнинг самарали ечими сифатида бир қатор янги вакциналар ишлаб чиқилган ва улардан тиббиётда самарали фойдаланилмоқда. Шу йилнинг 16 июнидан бошлаб мамлакатимиз миллий эмлаш тақвимига ҳам ана шундай янги вакцина жорий этилди. Эндиликда икки-уч ойлик чақалоқлар ротавирус касаллигига қарши бепул эмланади.

Анжуман доирасида журналистлар эмлаш ишларига кўрилган тайёргарлик ва бу жараённинг бориши билан танишиш мақсадида пойтахтимизнинг Шайхонтохур туманидаги 46-оилавий поликлиникада бўлишди ва ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди.

Нарзулла МАҲАМОВ,
«Ishonch» мухбири

Реклама ва эълонлар

«Tashkent Realtor Service» МЧЖ: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011йил 25 майдаги 147-сонли қарори асосида ер участкаларига бўлган доимий фойдаланиш ҳуқуқининг 2014 йил 30-май куни бўлиб ўтган танлов савдоси натижасини маълум қилади:

1.Тошкент вилояти, Зангиота тумани Чиғатой-Оқтепа ҚФЙ ҳудудида янги иш ўринларини яратиш мақсадида чиқинди қабул қилиш пункти, пойабзал таъмирлаш устахонаси ва қишлоқ хўжалиги махсулотлари сотиш дўкони ва емхона қурилиши учун ажратилган 0,08 га ер участкаси доимий фойдаланиш ҳуқуқи, минимал қиймати 440 900 сўм, сотилиш қиймати — 1 500 000 сўм.

2.Тошкент вилояти, Зангиота тумани Юнусобод ҚФЙ, Бешкўрғон маҳалласи ҳудудида аҳолига замонавий озуқа ем, савдо ва майиший хизмат зооветеринария шохобчаси қурилиши учун ажратилган 0,07 га ер участкаси доимий фойдаланиш ҳуқуқи, минимал қиймати 385 800 сўм, сотилиш қиймати — 2 000 000 сўм.

3.Тошкент вилояти, Зангиота тумани Эркин ҚФЙ ҳудудида аҳоли истеъмоли учун экологик тоза қадоқлаш пакетлари, пластмасса идишлар, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қадоқлаш, ҳамда яшик ишлаб чиқариш цехи қурилиши учун ажратилган 0,70 га ер участкаси доимий фойдаланиш ҳуқуқи, минимал қиймати 3 857 900 сўм, сотилиш қиймати — 20 000 000 сўм. **Лицензия RR-0008.**

«Tashkent Realtor Service» МЧЖ: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011йил 25 майдаги 147-сонли қарори асосида ер участкаларига бўлган доимий фойдаланиш ҳуқуқининг 2014 йил 22-май куни бўлиб ўтган танлов савдоси натижасини маълум қилади:

Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Май ҚФЙ, «Бирлик» маҳалласида жойлашган «Сартарошхона» қурилиши учун 300 кв.м.дан иборат ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати-146 690 сўм, сотилиш қиймати-1 200 000 сўм, «Дорихона» қурилиши учун 300 кв.м.дан иборат ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати-146 690 сўм, сотилиш қиймати-2 000 000сўм, «Озиқ-овқат дўкони» қурилиши учун 300 кв.м.дан иборат ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати-146 690 сўм, сотилиш қиймати-2 000 000 сўм, «Қурилиш моллари дўкони» қурилиши учун 300 кв.м.дан иборат ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати-146 690 сўм, сотилиш қиймати-1 500 000 сўм, «Гул дўкони» қурилиши учун 300 кв.м.дан иборат ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати-146 690 сўм, сотилиш қиймати -1 500 000 сўм, «Аудио-телевизор таъмирлаш устахонаси» қурилиши учун 300 кв.м.дан иборат ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати-146 690 сўм, сотилиш қиймати-1 300 000 сўм, **Лицензия RR-0008.**

Аукцион савдолари хабарномаси.
«KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» MChJ Buxoro filiali мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

I. 2014 йил 22 июл куни соат 11-00 да Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй манзилида ташкил қилинадиган савдоларга Ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар малакасини ошириш ва ихтисослаштириш Республика маркази Бухоро ҳудудий бўлинмаси билан ҳамкорликда ташкил қилинадиган савдоларига бўлинма ҳисобидаги бошланғич баҳоси 420 000 сўм бўлган, 1995 йилда и/ч ВАЗ-2121 русумли д/р 20 АЕ 389 автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

II. 2014 йил 22 июл куни соат 12-00 да Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй манзилида ташкил қилинадиган савдоларга «Ўзбекистон металлургия комбинати» очиқ акциядорлик жамияти «Бухороиккиламчи қораметал» шўъба корхонаси билан ҳамкорликда ташкил қилинадиган савдоларга корхона ҳисобидаги бошланғич баҳоси 3 500 000 сўм бўлган, козловой кран қўйилмоқда.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар расмий иш кунлари (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) 21.07.2014 йилга қадар соат 10-00 дан 16-00 гача қабул қилинади. (13-00-14-00 тушлик).

Талабгорлар диққатига.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдордаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: «KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» MChJ Buxoro filiali СТИР 302523082, МФО 00115 ОАТБ Қишлоқ қурилиш банки Бухоро минтақавий филиалидаги ҳисоб рақами 20208000805028108002.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки аукцион савдоларига чиқарилган мулклар билан танишиш ҳамда Сизларни қизиқтирган барча саволлар бўйича қуйидаги манзилларга мурожаат қилишингиз мумкин:

«Аукцион ташкилотчиси» — **«KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» MChJ Buxoro filiali.**

Манзили: Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси 10-уй. Тел: 8365 2215924. E-mail: kmss.res@mail.ru, гувоҳнома № 006263

Аукцион савдолари хабарномаси.
«REALTOR-CONSULTING GROUP» масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

2014 йил 8 июл куни соат 11-00 да Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй манзилида ўтказиладиган савдоларга Тошкент вилояти Хўжалик судининг 27.11.2013 йилдаги 11-1331/11798-сонли Ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб топилган «Fruktoza-Plyus» фермер хўжалиги кредиторларининг 12.06.2014 йилдаги 4-сонли йиғилиш баённига ва тугатиш бошқарувчисининг 17.06.2014 йилдаги 30-СУ-сонли буюртмасига асосан фермер хўжалиги ҳисобидаги бошланғич баҳоси 30 818 000 сўм бўлган, туп сони 1052 дона мевали дарахтдан иборат майдони 5,5 гектар ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқи қўйилмоқда.

Талабгорлар диққатига.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари 2014 йил 7 июл кунига қадар соат 10-00 дан 16-00 га қадар қабул қилинади. (13-00 дан 14-00 гача тушлик).

Аукцион савдоси ғолибига 10 кун муддатда олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: «REALTOR-CONSULTING GROUP» MChJ, х/р: 20208000700234536001, ОАТБ Қишлоқ қурилиш банк Тошкент шаҳар минтақавий филиали МФО: 00452, СТИР: 207186573, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига қўйилган мулк билан тугатиш бошқарувчиси иштирокида жойига чиқиб танишиш мумкин.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон:

Аукцион ташкилотчиси - «REALTOR-CONSULTING GROUP» MChJ

Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Лицензия RR 0170, тел: 8 371 233-21-18.

Интернетдаги манзилимиз: www.rcg.uz e-mail: rc.group@inbox.ru, **Хизматлар лицензияланган.**

Реклама ва эълонлар

Диққат! Диққат! Диққат!
Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади:

I. Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон майдони, Шарқий томондаги, 13-«а»уй манзилида жойлашган Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси тасарруфидаги маъмурий бинонинг умумий майдони 330 кв.метрга тенг бўлган бино қисми.

Бошланғич нархи — 893 245 272 сўм.

Балансда сақловчи: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси.

Фаолият ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

II. Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон майдони, Шарқий томондаги, 13-«а»уй манзилида жойлашган Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси тасарруфидаги маъмурий бинонинг умумий майдони 915 кв. метрга тенг бўлган бино қисми.

Бошланғич нархи — 2 462 380 711 сўм.

Балансда сақловчи: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси.

Фаолият ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

III. Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Отатурк кўчаси, 24-«Б»уй манзилида жойлашган, Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси тасарруфидаги 2 қаватли ертўлали бинонинг умумий майдони 1638 кв. метрга тенг бўлган қисми.

Бошланғич нархи — 4 213 644 014 сўм.

Балансда сақловчи: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси.

Фаолият ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

IV. Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Отатурк кўчаси, 24-«Б»уй манзилида жойлашган, Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси тасарруфидаги 2 қаватли ертўлали бинонинг умумий майдони 165 кв. метрга тенг бўлган қисми.

Бошланғич нархи — 424 604 301 сўм.

Балансда сақловчи: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси.

Фаолият ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

V. Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Отатурк кўчаси, 17-уй манзилида жойлашган, Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси тасарруфидаги савдо дўконининг умумий майдони 237 кв. метрга тенг бўлган бино қисми.

Бошланғич нархи — 689 731 831 сўм.

Балансда сақловчи: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси.

Фаолият ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

VI. Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Отатурк кўчаси, 17-уй манзилида жойлашган, Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси тасарруфидаги савдо дўконининг умумий майдони 93 кв. метрга тенг бўлган бино қисми.

Бошланғич нархи — 270 654 263 сўм.

Балансда сақловчи: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси.

Фаолият ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

Савдо ташкилотчиси: «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1- «А» уй. Тел/факс (8-371) 228-84-48. веб сайт; www.1kms.uz. электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2014 йил 21 июл куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йил 4, 18 август ва 3 сентябр кунлари, соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: ОАИТБ «Ипак йўли» Сағбон филиали, х/р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; - жисмоний шахслар учун паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; - аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй.

Маълумотлар учун телефонлар: (8-371) 228-84-48. Факс: (8-371) 228-80-23.

Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб сайт; www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан кўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 рақамли «Ишонч» телефонига зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!

Хизматлар лицензияланган.

Диққат! Диққат! Диққат!
Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, «Respublika mulk markazi» ЁАЖ «Poytaxt filiali» бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат улуши қўйилади.

Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Олтин водий кўчаси, 29-уй манзилида жойлашган, «Toshkent tajribali ta'mirlash mexanika zavodi» МЧЖ Устав фондидаги 100 фоиз давлат улуши.

Бошланғич нархи – 34 256 023 500 сўм;

Балансда сақловчи: «Toshkent tajribali ta'mirlash mexanika zavodi» МЧЖ.

Фаолияти ихтисоси: Ишлаб чиқариш.

Савдо ташкилотчиси: «Respublika mulk markazi» ЁАЖ "Poytaxt filiali», Тошкент ш., Миробод т., Истиқбол кўчаси, 34-уй. Телефон/факс: (8-371) 236-38-28. веб сайт; www.rmm.uz. электрон почта: user00@inbox.uz. Гувоҳнома: 006231.

Аукцион савдоси 2014 йил 21 июль куни соат 11:00 да, Тошкент шаҳар, А.Темур кўчаси 16-«А» уй, 3-қават мажлислар залида ўтказилади.

Аукцион савдоси натижаси бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб, 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат улуши бошланғич нархининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси «Respublika mulk markazi» ЁАЖ «Poytaxt filiali» нинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: х/р: 20210000500571452141, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришномада эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисида эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

жисмоний шахслар учун – паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент ш., Миробод т., Истиқбол кўчаси, 34-уй.

Маълумотлар учун телефон: (8-371) 236-38-28.

Электрон почта: user00@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.rmm.uz. www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан кўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 рақамли «Ишонч» телефонига зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!

Хизматлар лицензияланган.

Реклама ўрнида

O'ZSANOATQURILISHBANK

«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини банк омонатларига жалб қилиш ҳамда комплекс банк хизмат турларини амалга ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда. Ахборот технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда янги банк хизматларини жорий қилиш юзасидан ҳам тегишли чоралар кўриляпти. Бу борада «Мижоз манфаатлари барча нарсадан устун» тамойилига амал қилинади.

«Ўзсаноатқурилишбанк» билан коммунал тўловлари – бу жуда қулай ва осон!

Банкнинг барча филиаллари томонидан тўлов кассалари орқали коммунал тўловларни «on-line» режимида қабул қилиш ишлари йўлга қўйилган бўлиб, бу мижозларнинг ҳар бир манзилда банк хизматларидан фойдаланишлари учун кенг имкон яратади. Ушбу банк бўлинмаларида доимий равишда молиявий хизмат турлари кенгайиб, янгиланиб бормоқда.

Банкда аҳолининг истеъмол қилинган коммунал хизматлар бўйича қарздорликларини кескин қисқартириш мақсадида, муддати 1 йил бўлган жозибадор «Коммунал хизматлар тўловига» омонат тури жорий этилган. Ушбу омонат орқали омонатчининг топшириғи асосида ҳисобланган фоизлар ҳар ойда коммунал ва бошқа хизматлар (хонадон тўлови, электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви, иситиш ва иссиқлик энергияси, чиқинди, солиқ, мажбурий тўловлар ҳамда давлат божлари, шаҳар ва уяли алоқа телефонлари ва бошқалар) учун тўловларни тўлашга йўналтирилмоқда.

Аҳолига янада тез ва сифатли хизмат кўрсатиш учун янги инновацион хизматларни таклиф этиш ва коммунал тўловларни тўлашда қулайликлар яратиш мақсадида «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ томонидан янги турдаги «Мобил коммунал инспектор» хизмати жорий этилди. «Мобил коммунал инспектор» электрон тизими орқали белгиланган манзилларга чиққан пул айланмасини мувофиқлаштириб боришда коммунал хизматлар фойдаланувчилари учун жойларда ташкил этилган тўлов шохобчалари ва сайёр кассалар фаолияти ўзига хос ўрин тутмоқда. Жумладан, 2013 йил давомида электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ ҳамда бошқа пулли хизматлар учун аҳолидан жами 453,8 млрд. сўмлик тўловлар қабул қилинди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига (390,5 млрд. сўм) нисбатан 63,3 млрд. сўмга ортган.

Хизмат кўрсатиб келаётган коммунал корхоналар, уларнинг вазирлик ва юқори идоралари билан биргаликда кўрилган чора-тадбирлар натижасида, 2014 йилнинг ўтган 5 ойи мобайнида аҳолидан жами 198,5 млрд. сўмлик тўловлар қабул қилинди. Ҳозирги кунда аҳолига омонат хизматлари кўрсатиш билан бир қаторда, чакана хизматлар (коммунал ва бошқа хизматлар учун нақд ва нақдсиз пул маблағларини қабул қилиш билан шуғулланаётган) кўрсатадиган 59 та жамғарма касса, шунингдек, коммунал ва бошқа тўловларни қабул қилиш бўйича 128 та тўлов шохобчаси фаолият юритмоқда. Шулардан 6 таси хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари (ХУЖМШ) қошида ташкил қилинган.

Шунингдек, «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБда UzCARD-online пластик карточкаси тизимидаги пластик карталарини «Click» дастурига улаш имконияти мавжуд бўлиб, ушбу дастур доирасида уяли телефон орқали коммунал тўловлар, мобил телефон ҳисобига, интернет, телевидение ва бошқа хизматларни амалга ошириш мумкин. Амалга оширилган тўловлар тўғрисидаги тасдиқловчи «SMS» хабар тўловчининг мобил телефонига юборилади. Банкнинг мазкур пластик карталари эгалари ўз карта ҳисоб рақамига тегишли бўлган барча маълумотларни www.uzkart.uz. сайтидан «Шахсий кабинет» хизмати орқали олиши мумкин.

Бундан ташқари, «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ тизимида янги инновацион маҳсулотларни аҳолига етказишни таъминлаш мақсадида коммунал тўловларини банк кассалари ва сайёр кассалар орқали ўтказишда «Биллинг» тизими йўлга қўйилган. Унинг афзаллиги мижознинг банк орқали ўтказган тўлови ҳақидаги хабар мобил телефонига келиши, қабул қилинган тўлов эса коммунал корхоналар маълумотлар базасида зудлик билан пайдо бўлишидадир.

— Ишхонада эътиборим фақат ишда бўлади, — дейди банк мижози И.Юсупов. — Коммунал тўловларини эса вақтида тўлаб бориш лозим. Ушбу масалани ҳал этишда «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБнинг «Коммунал хизматлари тўловига» омонати менга жуда қўл келди. Бўш пул маблағларимни уйда сақлаш ўрнига, уларни ушбу банк омонатига қўйиш орқали олган даромадимни коммунал хизматларини тўлашга йўналтирмоқдаман. Мен учун бу жуда қулай.

— Яқинда маҳалламизда жорий этилган «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Самарқанд минтақавий филиалининг янги «Мобил коммунал инспектор» хизмати орқали коммунал тўловларимни тўладим, — дейди мижоз А.Любашевский. — Тўғрисини айтганда, ушбу банк хизмати менга жуда манзур бўлди. Эндиликда фақат мен эмас, балки маҳалламиз аҳли коммунал ва бошқа турдаги тўловларни ўз уйидан туриб «Мобил коммунал инспектор» хизмати воситасида тўлаб бориш имконига эга бўлди. Фуқароларимиз банк томонидан кўрсатилаётган хизматлардан қониқмоқда.

— «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБнинг янги UzCARD — online пластик карточкаси шахсан менга кенг қулайликлар яратди, — дейди банк мижози А. Тўхтамишев. — Банкнинг мазкур «on-line» пластик картаси орқали 24 соат мобайнида уйдан чиқмасдан туриб «Ўзбекэнерго» ва «Ўзтрансгаз» интернет сайтларидаги шахсий кабинет ёки «Click» тўлов тизими орқали электр энергия ва табиий газ учун тўловларни амалга оширишим мумкин. Банклар томонидан олиб борилаётган кенг кўламли ишлар ижобий самара бериб, коммунал тўловларимни ўз вақтида тўлаб боришимга имконият яратмоқда.

Банк материаллари асосида
«Ishonch» мухбири
Ж.ЭРГАШЕВ тайёрлади

Ishonch
2014-yil 19-iyun № 75 (3424)

«БОЛАЖОН»ТЎГАРАКЛАРИ

Миробод туманидаги 125-мактабда «Баркамол авлод» болалар маркази билан биргаликда «Болажон» бадиий ижодиёт соғломлаштириш оромгоҳи ташкил этилди. Ёзги соғломлаштириш мавсумини сифатли ташкил этиш, таътилда ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида ташкил этилган оромгоҳда «Мунчоқли безак», «Тўқиш», «Либослар дизайни», «Тасвирий санъат» каби тўгараклар фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, турли спорт мусобақалари ўтказилаётир.

Аҳмад ТЎРА олган суратлар

Тиббиёт

«Саломатлик-3» лойиҳаси асосида Хоразм вилоятида туман тиббиёт бирлашмаларига 96 турдаги замонавий тиббий асбоб-ускуналарни босқичма-босқич, яъни, 2018 йилгача етказиб бериш белгиланган.

«Саломатлик – 3» доирасида

Айни пайтда рўйхатда кўрсатилган тиббий асбоб-ускуналарни келтириш давом этмоқда. Жумладан, «Саломатлик-3» лойиҳаси доирасида вилоятдаги 7 та туман тиббиёт бирлашмаси Японияниг «Shimadzu Coroaration» фирмасида ишлаб чиқарилган «Flexavision SF» ва «RAD Speed MF» замонавий рақамли рентген аппаратлари билан жиҳозланди. Бунинг учун 2 млрд. 384 млн. сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Ушбу тиббиёт ускунасининг олдингиларидан афзаллиги шундаки, у рентген суратларини қоғозга, дискка ва плёнкага бирдек кўчириб бериш қувватига эга. Шу пайтга қадар бундай натижалар фақат плёнка ёрдамида акс эттирилган холос. Қолаверса, замонавий рентген аппарати тезкорлиги, камхаржлиги ҳамда ташхисни ўта аниқ қўйиши билан ажралиб туради. Ушбу тиббий ускунани меъёрий қоидаларга риоя қилган ҳолда ўрнатиш муҳимлигини ҳисобга олиб, тиббиёт муассасаларида ажратилган рентген хоналар учун махсус қурилиш ва монтаж ишлари амалга оширилди.

Бугина эмас. Жорий йилда Хоразм вилоятига умумий қиймати 1,66 млн. АҚШ доллари миқдоридаги тиббий анжомлар келтирилди. Уларнинг ишга туширилиши аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда муҳим аҳамият касб этиши аниқ.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
«Ishonch» мухбири

● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ●

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

Хитой Тайпейида ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионатида ҳамюртларимиз кумуш ва иккита бронза медали соҳибига айланишди.

КУМУШ ВА БРОНЗА

200 метр масофага югуриш бўйича финал босқичида Нигина Шарипова маррага учинчи бўлиб етиб келди. Узунликка сакрашда эса Тимур Хуснуллин ўзини кўрсатди ва бронза медали совриндори бўлди.

Шу тариқа, Осиё чемпионатида юртимиз шарафини ҳимоя қилган олти нафар спортчимиздан уч нафари (кумуш ва 2 та бронза) совриндорлар сафидан ўрин эгаллади. Эътиборли жиҳати, аксарият вакилларимиз шахсий рекордларини яхшилашга муваффақ бўлишди.

ТЕННИС

Фарғона шаҳрида Халқаро теннис федерацияси (ITF) мусобақалари тақвимига кирувчи нуфузли халқаро турнир ниҳоясига етди.

НИГИНАНИНГ НАВБАТДАГИ ҒАЛАБАСИ

Дунёнинг 30 давлатидан 100 га яқин теннисчи иштирокида бўлиб ўтган турнирнинг яккалик баҳсларида ҳамюртимиз Нигина Абдураимова барча рақибаларини мағлуб этиб, бош совринни қўлга киритди.

Нигина ҳал қилувчи баҳсда япониялик Нао Хибино устидан икки сет якунларига кўра 6:3, 6:4 ҳисобида зафар қучди.

Турнирнинг жуфтлик баҳсларида япониялик теннисчилар Хироко Кувата ва Мари Танака ғолибликка эришди.

НАЙЗА УЛОҚТИРИШ

Миллий терма жамоамиз аъзоси Иван Зайцев Тарту (Эстония) шаҳрида ўтказилган анъанавий «Мемориал Густава Суле» халқаро турнирида кумуш медал билан тақдирланди.

ИВАН — СОВРИНДОРЛАР САФИДА

Найза улоқтириш беллашувларида вакилимиз 81 метру 84 см. кўрсаткич билан шоҳсупанинг иккинчи поғонасидан жой олди.

Жаҳон чемпионатининг бронза медали соҳиби Дмитрий Тарабин (83 метр, 56 см.) ғолибликни қўлга киритган бўлса, бронза медали украиналик Александр Ничипорчукка (81 метр, 22 см.) насиб этди.

Ўз мухбиримиз

Сулола

Муҳтарам Юртбошимиз таъкидлаганидек, маънавият вужудимизга она сути, ота намунаси, аждодлар ўгити билан сингади. Қашқадарё вилояти Нишон тумани Толлимаржон шаҳарчасида яшовчи Жума ака Алиев хонадонида бўлганимизда она Ватанга садоқат, уни шарафлаш, шаънини ҳимоя қилиш, равнақига қўлдан келганча ҳисса қўшиш тарбиянинг бош мезони эканига гувоҳ бўлдик.

От изини той босар

Али бобо

Мозийга назар ташласак, Жума аканинг отаси Али бобо Иккинчи жаҳон урушида қатнашгани ва 1946 йилга қадар ҳарбий хизматда бўлганидан воқиф бўламиз.

Али Тўраев «фронтовикман» деб кўксига уриб, ҳар хил имтиёзлардан фойдаланса бўларди, албатта. Бироқ ундай қилмади. Аксинча, пахтакорлик соҳасида меҳнат қилиб, эл корига яради. Табиатан яратувчан ва боғбонликдан яхши хабардор киши эмасми, кўплаб дарахтлар ўтқазиб, боғ-роғлар барпо этди. Уч нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказди.

Жума ака

Табиийки, меҳнатсевар отанинг фарзанди Жуманинг ҳам суяги меҳнатда қотди.

— Бизнинг болалик ва ўсмирлик йилларимиз қийин шароитларда ўтган, — дея хотирлайди Жума ака. Мактабни тугатиб, Пачкамар сув омборида ишладим. Шундан сўнг менда сув хўжалигига, ирригация соҳасига қизиқиш уйғонди. 1966-1971 йилларда ушбу йўналишда Тошкентда таҳсил олдим. «Махсус механизациялашган сув қурилиш» ташкилоти... Институтни тугатгач, то ҳозиргача ишлаб келаётган жойим. Кўп жойларга ишга чақиришди, аммо сира қадрдон идорамни ўзгартиргим келмайди.

Жума аканинг саккиз нафар қизи ва бир ўғли бор. Ўғли Шерзодбек Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтини тугатиб, айни пайтда Қарши магистрал каналидан фойдаланиш бошқармасида бош муҳандис ўринбосари бўлиб ишламоқда.

Қизлари Руқия, Марғуба, Меҳринисо, Ирода, Зебинисо, Маржона турли фанлардан ёшларга сабоқ берса, Сойгул тикувчи ҳамда тадбиркор, Нуринисо эса ҳамшира.

Алибек

Алибек Алиев — Шерзодбекнинг ўғли. У яқинда ашихара каратэ бўйича Венгрияда ўтган халқаро турнирда муваффақиятли иштирок этиб, бронза медалига сазовор бўлди. Шунингдек, шиддати ва шижоати туфайли «Турнирнинг энг яхши жангчиси» номинацияси эгасига айланди.

Биз Толлимаржон шаҳарчасидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабида бўлиб, ёш ашихара каратэ усталарининг машғулотларини кузатдик. Мураббий Сирожиддин Қўйлиев шогирдларига зарур кўрсатмаларни бера туриб, қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Венгриядаги турнирга тайёргарлик Тошкент шаҳрида олиб борилди. Баҳсларда умумжамоа ҳисобида Россия ва Венгрия термаларидан сўнг учинчи ўриндан жой олдик. 9 ёшли Алибек ўзининг ҳужумкор иштироки билан ҳакамлар ҳайъатининг эътирофига сазовор бўлди.

— Шогирдингизда хориж сафарининг таъсири сезилдими?

— Ўзига ишончи ортган. Машғулотларда кўрсатмаларимни бехато бажаришга ҳаракат қиляпти. Шу йилнинг ноябр ойида Будапешт шаҳрида ашихара каратэ бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати ўтказилади. 6 ёшдан 60 ёшгача бўлган турли ёш тоифалари ўртасидаги нуфузли мусобақада Алибек навбатдаги синовдан ўтади. Тайёргарликни ҳозирдан бошлаган.

«Бўлар бола бошидан», деган гап бежизга эмас. Алибекнинг машғулоти тугагач, бобоси Жума ака уни олиб қайтиш учун машинасига ўтиришини сўради. «Бобо, кетаверинг, дўстларим билан яёв кетаман», — ёш чемпион уловга чиқишга унамади. «Чиқ қол тез». «Йўқ, дўстларим билан кетаман».

Хуллас, Жума ака набирасининг уч жўрасини автомобилига миндириб олгачгина, Алибек машинага чиқди. Бу жажжи қалб соҳибининг дўстларига меҳрибонлиги намунаси эмасми?!

Жума аканинг уйига келдик. Алибек икки ёшли укаси билан ўйинга берилди. Укаси бехосдан йиқилиб кетганида уни турғазиб қўйди. Уй юмушларида онасига кўмаклашди. Кечки овқатдан сўнг, уй вазифаларини бажаришга тушди.

— Чарчадингиз, ухламайсизми? — деганимда, «Дарсларимни қилиб олай, кейин ухлайман», дея жавоб қайтарди.

— Ўғлимнинг халқаро турнирдаги ғалабасини эшитиб, жуда хурсанд бўлдик, — деди онаси Насиба Усанова. — Рости, медал олишини кутмагандим. Устозлари, 4-умумтаълим мактаби директори ўғлимнинг ютуғи билан қутлаганда, юрагим фахрга тўлди. Аслида, ўғлимиз 1-синфда тенгқурларидан дакки эшитиб, уйга йиғлаб келганида ўзини тутиб олсин, деб уни спортга бергандик. Энди эса спорт унинг ҳаёт мазмунига айланди.

Маълумот учун айтиш лозимки, ашихара каратэ жиддий спорт тури. Спортчидан ирода ва чидам, қўпроқ ўз устида ишлаб, ҳимояланиш ва ҳужум санъатини пухта ўзлаштиришни талаб этади. Алибек ашихара каратэдан ташқари янада жиддий яккакураш тури — киокушинкай каратэ бўйича ҳам республика мусобақаларида қатнашар ҳамда соврини ўринларни олар экан.

— 1-синфда сизни урган болаларга энди кучингиз етади. Уларни уряпсизми? — ҳазил аралаш сўрайман ёш чемпиондан.

— Йўқ, устозимиз спорт тури усулларини кўчакўйда қўлламаслигимизни айтган. Фақат ўзимизни ҳимоя қилишимиз мумкин, — жавоб берди Алибек.

— Набирамнинг Венгриядаги ғалабасини эшитиб, дарҳол отам ёдимга тушди, — деди Жума ака тўлқинланиб. — Отам раҳматли узоқ-узоқ ўлкаларда эл-юрт тинчлиги учун қон кечган. Бугун набирам хорижий давлатда Ватан байроғини баланд кўтариб, тинч диёримиз шарафини ҳимоя қиляпти. Бобосининг пок руҳлари қўллаб турсин, илоё!

Биз ҳам ушбу эзгу тилакларга қўшилдик...

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Турмуш чорраҳаларида

Мунисхон институтни битириб, икки йилгина тўқувчилик цехида технолог бўлиб ишлади. Сўнг турмушга чиқди. Қўшни туманга келин бўлиб тушди. Ўшанда эри Салоҳиддин пойтахтдаги йирик банклардан бирида ҳисобчи бўлиб ишлар, уйга кеч қайтарди. Шу боис шаҳардан ижара уй топиб, Мунисхонни ҳам олиб кетишга қарор қилди. Корхонага, айниқса, хушчақчақ тикувчи қиз-жувонларга ўрганиб қолган келинчакка эрининг қарори ёқмаса-да, йўқ деёлмади...

Унутилган эски чориқ

Мана, ўша қадрдон даргоҳга орадан йигирма йил ўтиб яна қайтиб келди. Эри шу ердаги банклардан бирига бошлиқ этиб тайинланди. Мунисхон айни ишлайдиган вақти, боз устига, ўз соҳасининг билимдони. Ўн беш йил пойтахтда қўшма корхонада, янги технологиялар асосида ишлаб, чархланди. Дизайн бўйича мутахассисликни эгаллаб, малакасини ҳам оширди. Бу ерда ишлаш баҳона ўз фирмасини очгунига қадар шаҳарнинг пастбаландини билиб олса, ёмонми ахир...

Корхонада илгари бирга ишлаган қадрдон дугонаси — ўн гапга битта жавоб қайтарадиган вазмин Маҳфуза, бугун разм солиб қараса, димоғидан қурт ёғиладиган бўлганига бироз ҳайрон қолди холос. Ким билсин, қадрлар бўлимининг бошлиғи шундай бўлиши керакдир балки. Тавба, қаттиққўл эри Холиқ ҳам ювош тортиб қолибди.

— Ҳмм-м, сиз бизда яна ишламоқчимисиз? Пойтахтда сиғиштиришмадими? Пенсиянгизга оз қолибди, эрингиз банкир, ўғилларингиз олий ўқув юртларида ўқишаркан, ҳовлингиз, машинангиз бор экан, ишлаб нима қиласиз?

Бу ростдан ҳам ўзи билган Маҳфузами ёки бошқа? Бировнинг ҳовлиси, машинаси, эри билан унинг нима иши бор?

Мунисхон Маҳфузанинг ишчиларга беписанд гапиришини сира ҳазм қилолмади. Яхшиямки, атиги ўн киши билан ишлайди. Йўқса... Унинг бунчалик ҳаволаниб кетгани Мунисхонни ўйлантириб қўйди.

Кейин билса, бошлиқнинг ўнг қўли, яъни, ким ишга кеч келади, ким эрта... хуллас, ҳамма-ҳаммасини оқизмай-томизмай етказиб тургани учун сийланиб, мукофот пуллари олиб турарканми...

Эски чориғини унутган дугонасининг «шарофати» билан қанчадан-қанча яхши ишчилар бўшаб кетибди. Разм солиб қараса, бу даргоҳда Маҳфузанинг бирор яқин дугонаси йўқ экан. Эри ўша-ўша ҳеч қаерда ёлчитби ишламайди, қизини ёнига тикувчи қилиб ишга жойлаштириб қўйган...

Кенжасининг кечаси билан иссиғи тушмай, Мунисхон эрталаб ишга беш дақиқага кечикди. Шуни дарҳол «келди-кетди» дафтарига йирик рақамлар билан қайд этган Маҳфузага вазиятни тушунтирди, аммо бўлмади. Кейинги пайтларда иш жараёнида «янгиликлар яратиб» ғашига тегаётган, хушомадни эпламайдиган Мунисхонни бошлиқ ҳамманинг олдида изза қилди. «Менга ишдан ҳам аввал интизом керак», деди у столга муштлаб. Ўша куни Мунисхон тушунтириш хати ёзди.

Кўп ўтмай, Мунисхон ўз фирмасини очиб, коллежни тамомлаган ўн тоғли қизни ишга олди. Тиккан маҳсулотлари, буюртмалари ҳажми тобора кенгайиб борди. Қизлар ҳаттоки келин либосларини тикишнинг ҳам ҳадисини олиб, танловларда ғолиб бўла бошлашди.

Кунларнинг бирида Мунисхон иш кабинетида қоғозларга кўмилиб ўтирарди. Эшикдан хорғин қиёфада Маҳфуза кириб келди. Кутилмаган ташрифдан ҳайрон бўлиб, уни ўтиришга таклиф қилди. Маҳфузанинг овозидаги мулойимлик Мунисхонни лол қолдирди. Корхонаси касодга учраган Маҳфуза иш сўраб келган экан. «Ҳеч бўлмаса, қизимни ишга олинг, эримнинг қоровулликдан топган ойлиги кам-кўстимизга етмаяпти, болалар улғайиб қолишди, ўртоқжон», деди товуши қалтираб. Ходимлар билан жанжаллашиб қолган кезлари овози чақмоқдек чиқадиган аёлнинг попуги пасайиб, шашти қайтганди.

Маҳфузанинг ранги баттар сарғайиб, кўзлари киртайиб қолганди.

— Дугонажон, сизга битта илтимосим бор...

— Вой, майли, агар харажати бўлса, уялмай айтаверинг. Ёки бўёқми, оҳакми... таъмирталаб жойлар бўлса, эримнинг қўлидан келади... текинга қилиб беради... — ҳовликди Маҳфуза.

— Йўқ, тикув хоналаримиз чиннидай, харажат-паражат ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Демоқчи бўлганим шуки, Холиқ ака билан роса қийналиб рўзғор бошлаган даврлардан қолган бирорта эски чориғингиз бўлса, эшигингизга осиб қўйишингизни илтимос қилмоқчиман, холос. Мен ҳам даҳлиздаги кийим иладиган шкафимизга қийналган кезларимизда кийган битта эски костюмимни осиб қўйганман. Баъзан ўзим билмай ҳаволаниб кетсам, ўша буюмни кўраман... Кейин дарров ҳаётда ҳар қандай ҳолат бўлиши мумкинлиги эсимга тушади, дугонажон. Ишонинг, бунинг ҳаммаси яхшиликка экан. Бекорга ота-боболаримиз эски чориғингни унутма, дейишмаган.

Ўшанда... таъна қилаяпти, деб ранжимангу мени сиз сабаб бошлиқ ноҳақ айблаган. Ваҳоланки, бир кун аввал йиғилишда керакли мутахассислигим, тажрибам катталигини таъкидлаб, рағбатлантиришини айтганди...

Майли, озгина ҳаяжонга берилдим, эртага қизингиз ҳужжатларини олиб келсин. Ҳозирча уни ишга олишим мумкин.

Маҳфуза лом-мим демади. Бўшашганча эшикдан чиқиб кетди. Мунисхон елкасидан тоғ ағдарилгандек ўзини енгил ҳис этди. Ҳар қалай ёмонликка ёмонлик қилмади-ку...

Нигора ШОФАЙЗИЕВА,
Ангрен шаҳри

2014 йил — Соғлом бола йили

Наманган шаҳри марказидаги Бобур номли маданият ва истироҳат боғини яна бир бор бахтиёр болалар кулгиси тутди.

БОҒ ҚЎЙНИДА

Тармоғимизда меҳнат қилаётган бир гуруҳ меҳнаткашлар фарзандларининг кўнгилли ҳордиқ чиқаришини таъминлаш мақсадида боғ қўйнида маданий-маърифий тадбир ташкил этилди. Унда болаларга юртимизда соғлом авлодни камол топтириш йўлида амалга оширилаётган ишлар, хусусан, яқиндагина вилоятимиз мезбонлик қилган «Баркамол авлод — 2014» спорт ўйинлари аҳамияти тушунтирилди ва ҳар бир болага касаба уюшма совғалари топширилди.

Шундан сўнг вилоят Ўлкашунослик музейига экскурсия уюштирилди. Бу ерда ўғил-қизлар юртимизга оид тарихий ашёлар билан таништирилди.

Зулхумор ҲОЖИМАТОВА,
АСМ ходимлари касаба уюшмаси Наманган шаҳар кенгаши раиси

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Abdullayev
Navbatchi: N.Mahamov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti -20. 00
Topshirildi - 20.10

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 618 | 20543 nusxada bosildi | 1 2 3 4